

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 578-ҳадис

578 - Ҳадис: «Абу Саид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарда бўлганимизда бир киши уловида келиб, ўнгу чапга қарай бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Кимда ортиқча улов бўлса, уни улови йўққа берсин. Кимда ортиқча емак бўлса, уни емаги йўққа берсин**», дедилар ва молнинг ҳар хил турларини анча зикр қилдилар, ҳатто ҳеч қайсимизнинг ортиқча нарсасида ҳаққи йўқ экан деб ўйлаб қолдик».

### 1. Абу Саид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарда бўлганимизда бир киши уловида келиб, ўнгу чапга қарай бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Кимда ортиқча улов бўлса, уни улови йўққа берсин. Кимда ортиқча емак бўлса, уни емаги йўққа берсин**», дедилар ва молнинг ҳар хил турларини анча зикр қилдилар, ҳатто ҳеч қайсимизнинг ортиқча нарсасида ҳаққи йўқ экан деб ўйлаб қолдик».

*Имом Муслим ривояти.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

